

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МУАММОЛАРИ

Даминов Отабек Уткир ўғли

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги

Солиқ қомитаси ходими

Аннотация

электрон тижоратнинг назарий асослари, унинг юзага келиш ва ривожланиш босқичлари, турли олим ва тадқиқотчиларнинг илмий қарашлари, электрон тижоратнинг иқтисодиёт субъектлари учун афзалликлари, солиққа тортиш масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: электрон тижорат, иқтисодиёт субъектлари, интернет тармоқлари, солиққа тортиш.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар товар пул муносабатларида трансакцион харажатларни қисқартириш, иқтисодиётни рақамлаштириш, шунингдек, электрон тижоратни ривожлантиришда муайян натижаларга эришиш имкониятларини оширмоқда.

Шу ўринда электрон тижорат тушунчасини кўриб чиқиш ўринли бўлади. “Википедия” интернет-энциклопедияси сайтида “Электрон тижорат (е-тижорат, ингл. “e-соммерсе”) - бу интернет орқали савдо-сотик амалиётларини ташкил этиш” деб таъриф берилган [1].

Айрим олимлар “Электрон тижорат деганда интернет савдо тушунилиши”ни таъкидланган [2] бўлса, америкалик иқтисодчи П.Герпининг фикрига кўра “Интернет-технологиялардан фойдаланилган иқтисодий фаолиятнинг барча турлари - электрон тижорат” бўлади [3], россиялик И.Голдовский эса “Товарларга буюртмалари Интернет орқали амалга оширилган савдонинг барча шакллари электрон тижорат”га киришини қайд қилган [4].

“Электрон тижорат деганда - компьютер тармоқлари ёрдамида электрон шаклда амалга ошириладиган тадбиркорликнинг алоҳида шакли” сифатида қаралади [5].

Электрон тижоратни солиққа тортувчи солиқ қонунчилигининг етарли эмаслиги ва улардаги камчиликлар электрон тижоратни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиққа тортишга тўсқинлик қилмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, кўриб чиқилаётган муаммолар юзасидан солиқ қонунчилиги номутаносиблиги масаласи асосий масала ҳисобланади, чунки уни ҳал қилиш учун олдиндан белгиланган муаммоларнинг бутун мажмуини ҳал қилиш керак. Шунингдек, электрон тижорат субъектлари томонидан солиққа тортиладиган базани шакллантиришнинг тўғрилигини назорат қилиш муаммоси ҳозирги кунда электрон тижоратни солиққа тортищдаги муаммолардан бири саналади. Электрон тижорат сегментида солиқнинг (даромаднинг) обьектини яшириш ва компаниянинг харажатларининг асоссиз равишда кўпроқ кўрсатиб солиқ базасини камайтириш орқали солиқдан қочишига ҳаракат қиласидар. Мавжуд солиқ назорат тизимининг камчиликларидан бири солиқ тўловчилар томонидан олинган тўловларни самарали назорат қилишнинг мумкин эмаслиги билан боғлик.

Солиқ назоратида яна бир алоҳида масала - рақамли товарларни сотишни назорат қилишнинг мумкин эмаслиги муаммоси. Тўланган пулли файлларни юклаб олиш ёки маълумот олишни назорат қилиш муаммоси деярли кўринмаса-да, бу ҳолда назарий жиҳатдан бу маҳсулот учун ҳақ тўлаш фактини назорат қилиш мумкин, бу жуда содда. Умуман олганда, ривожланган мамлакатларда рақамли товарларни сотиш устидан назорат қилиш жуда самарали бўлиб, бу Ўзбекистондаги бундай операциялардан олинадиган солиқ тушумларининг ошиши ҳақида холоса чиқариш имконини беради. Солиқ тўловчиларни аниқлаш муаммолари ҳам электрон тижорат ташкилотининг асосий хусусиятларини аниқлаш ва уларни назорат қилиш кераклигини кўрсатади, уларнинг мавжудлиги солиқларни тўлаш мажбуриятининг пайдо бўлишини англатади. Бу ҳолда, электрон тижорат соҳасида иш юритиш бошқа турдаги бизнеслардан фарқ қилмайди.

Электрон тижорат субъектларини солиққа тортиш муаммоларини қўйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин:

- солиқ қонунчилигидаги камчиликлар ва ноаниқларнинг юзага келиш ҳолатлари;
- электрон тижорат фаолияти бўйича солиқ назоратининг йўлга қўйилмаганлиги;

- 
- солиқ юрисдикциясини аниқлаш муаммолари;
 - солиқ тўловчиларни аниқлаш муаммолари;
 - солиқса тортишнинг мумкин бўлган тизимини (тизимларини) аниқлаш (танлаш) муаммолари;
 - солиқса тортишнинг мажбурий элементларини аниқлаш муаммолари;
 - электрон тижоратнинг турли сегментларида (истеъмолчи, корпоратив, давлат) солиқ юкини тенглаштириш муаммоси;
 - икки томонлама солиқса тортиш муаммоси.

Хорижий солиқ амалиётини таҳлил қилиш электрон тижорат субъектларини солиқса тортишда ягона ёндашувлар мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда хорижий олимлар электрон тижорат субъектларини солиқса тортишнинг бир қанча концепцияларини ишлаб чиқдилар, улар келажакда юқорида мухокама қилинган қўплаб муаммоларни ҳал қилиши мумкин. Хорижий адабиётларда кўпинча электрон бизнесга янги солиқларни киритишнинг ҳожати йўқ, фақат мавжудларини яхшилаш кифоя қиласди, деган фикр мавжуд.

Бугунги кунда электрон тижоратни солиқса тортишда қатор қўйидаги муаммолар ҳам юзага келмоқда:

сотувчи харидорнинг мақомини билмайди, хусусан, уни резидент ёки норезидентлиги, юридик ёки жисмоний шахс эканлиги номаълум эканлиги ва бошқалар;

электрон тижоратда кўп ҳолатларда солиқларни тўғри ҳисоблаш ва тўлаш учун зарур бўлган товар реализация қилинган жойни аниқлаш мураккаб, айrim ҳолатларда товар реализация қилинганлиги ёки хизмат кўрсатилганлигини аниқлаштириш ҳам муаммоли (масалан, электрон дастурий махсулотлар мисолида). Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу икки обьект икки хил солиқса тортилган шароитда ноаниқлик янада қучайиши;

электрон тижоратда ҳаридор товарни қабул қилишдан бош тортган ҳолатларда Интернет орқали амалга оширилган савдони бекор қилинганлигини тасдиқлаш мураккаб бўлганлиги боис, солиқса тортишда муаммолар пайдо бўлиши ва бошқалар.

Шундай қилиб, электрон тижорат соҳасида солиқ тартибга солишни янада такомиллаштириш юқоридаги фундаментал тамойилларни ҳисобга олган ҳолда ва ушбу соҳадаги солиқни тартибга солишнинг илфор тажрибасига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Электрон тижоратни солиққа тортишда бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар сирасига рақамли товарларни сотишни назорат қилишнинг мумкин эмаслиги ҳамда солиқ тўловчиларни аниқлаш муаммолари бўлиб, электрон тижорат ташкилотининг асосий хусусиятларини аниқлаш ва уларни назорат қилиш кераклигини кўрсатади, уларнинг мавжудлиги солиқларни тўлаш мажбуриятининг пайдо бўлишини англатади.

Глобал тармоқда бизнес юритилишини назорат қилиш анча қийин бўлганлиги сабабли, тадбиркорлар солиқларни тўлашдан қочиш учун қўпроқ рағбатга эга бўлишади. Расмийларга кўра, юқори жарималар (компаниянинг барча мулкини мусодара қилишгача) Интернетда ноқонуний фаолият билан шуғулланадиган ташкилотлар сонини камайтириши мумкин.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. https://www.wikiwand.com/uz/Elektron_tijorat
2. Эймор Д. Электронный бизнес. Эволюция и/или революция. М.: Вильямс, 2001. 320 с.
3. Gary P. Electronic Commerce, Ninth Edition, Schneider, Ph.D., CPA. Printed in the United States of America, 2011. С. 4.
4. Голдовский И. Безопасность платежей в Интернете. СПб.: Питер, 2001. 240 с.
5. Корень А.В. Налогообложение субъектов электронной коммерции: проблемы и перспективы: монография. - Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2011.